## СЎНГГИ СОАТДА

ХОРАЗМ вилояти деҳқонлари баҳорги экиш ишларига тайёргарликни бошлаб юборди. Улар обҳаво қулай келаётганидан фойдаланиб, 50 минг гектар ерни текислаб бўлишди. 47 минг гектар майдон яхоб суви беришга тайёрлаб қўйилди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ишлари авж олдирилмоқда.

***

**НАВОИЙ вилоятидаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди. Семинар қатнашчилари буюк соҳибқироннинг Марказий Осиё ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни ҳақидаги маърузаларни тинглади.**

***

ХЎЖАОБОД мева қуритиш ҳиссадорлик жамияти Италия технологияси асосида қуритилган пиёз тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ерда хўжаликлар ва аҳолидан сотиб олинаётган карам, сабзи, булғор қалампири, қизилча каби сабзавотлар ҳам қуритилмоқда.

***

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси валюта биржасида 1996 йил 2 февралда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.**

**Сотув ҳажми 28,98 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 36,00 сўм даражасида қайд этилди.**

***

НАВОИЙ тоғ-кон металлургия комбинати жамоаси Америкада таъсис этилган «Олтин Глобус» халқаро совринини қўлга киритди. Бу совнин мамлакатимиз иқтисодий қудратига салмоқли улуш қўшаётган корхонанинг жаҳон бозорида рақобатлашиш қувватига эга эканига берилган юксак баҳодир.

***

**ТЕРМИЗда фойдаланишга топширилган уч қаватли замонавий мактаб биноси 1014 ўқувчини бағрига олди. Янги мактабнинг ишга туширилиши билан шаҳардаги жами ўқувчиларнинг 94 фоизи бир сменада ўқийдиган бўлди.**

### Ватан аҳлларига деганларим

*• Маърифат соҳиби бўлмак учун аҳволи оламдан хабардор бўлмак керак.*

***

*• Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз: «Киши юртида султон бўлгунча, ўз юртингда чўпон бўл», — демишлар.*

***

*• Интизом деб қиладурган... ишларимизнинг ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар.*

*Абдулла АВЛОНИЙ.*

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 3 февраль, шанба № 15 (21.936). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муқаддас Рамазон ойи кириши муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллаш, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Қодир Оллоҳ барча мусулмонларга раҳмат нурларини ёғдириб, халқларимизнинг фаровонлигини ошириш ва бутун ислом оламининг мустаҳкамлиги йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларимизга барака ато этсин.

**ЗАЙН АЛ ОБИДИН БИН АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Шахсан ўз номимдан, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан муқаддас Рамазон ойи Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистоннинг биродар халқига, шунингдек, бутун мусулмон умматига мўл-кўл бахт-саодат ва фаровонлик ато этишини тилашдан мамнунман.

**ҲУСАЙН,**
**Иордания подшоси.**

***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муқаддас Рамазон ойи шарофати ила Сизга, жаноби олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий қутловларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаш бизга улкан мамнуният бахш этади.

Қодир Оллоҳ ушбу муқаддас ой давомида Сизга ва халқингизга, шунингдек, бутун ислом умматига ўзининг саховати ва раҳматларини ёғдирсин!

**ҚОБУС БИН САИД,**
**Уммон султони.**

***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муқаддас Рамазон ойи шарофати ила Сизга, жаноби олийлари, самимий қутлов йўллаш менга мамнуният бахш этади. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизнинг биродар халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

**СУЛТОН БИН ЗАЙД ОЛ НАХАЙАН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари.**

## КОСИБ МАМАТҚУЛ ФАБРИКА ҚУРДИ. ЭНДИ... ЗАВОД ҚУРМОҚЧИ

*Ислоҳот ва ташаббус*

Шўрчида Жўраев Маматқул деган йигит бор. Архимеднинг «таянч нуқтасини тополсам, ерни даст кўтарардим», деган гапига ҳавас қилади. Тағин, уни физикани сув қилиб ичиб юборган экан-да, деб ўйламанг. Мутлақо. Ўқувчилик йиллари аллақандай бир чиқинди моторни созлаб ўрнатиб, велосипедини ўзи юрадиган қилиб олгани, тўртта сим ва магнит тошдан радио ясагани, узумхўр қушларни ҳайдаш учун шамолда айланиб овоз тарқатадиган варрак ихтиро қилгани тўғри. Кейинчалик косиблик қилди. Шофёр бўлди. Дорилфунуннинг кимё куллиётида ўқиди.

Маматқулбойни косиб, дедик. Ҳунарманд деганимиз маъқулроқ. Йигирма беш ёшида шалоғи чиққан дон комбайнидан енгил машина тиклаб олганига ҳозиргача ўзининг завқи келади. Дераза ойнасини кесишми, сандиқ, ўриндиқ, шифонер, курси ясашми метрчўп-ўлчагич ишлатмайди. Ёғоч савдоси идорасига бошлиқ бўлган йиллари Шўрчи шаҳридан хўжалик моллари билан савдо қилувчи идора — база қура бошлади. Базани у фабрикага айлантирмоқчи эди. ДВП, ДСП, фанер деган қурилиш материаллари тайёрлайдиган ускуналарни энди келтираман деб турганда, кадрлар билан шуғулланувчи идора уни сўроқлаб қолди. Мутахассислигини суриштирган бўлдилар. Бош чайқадилар. База директорлигига бошқа бир кишини қўймоқчи бўлдилар. Хафа бўлманг, сизга ҳам иш топиб берамиз, дедилар. Жўраев унча-мунчани ўзига юқтирмайдиган қаноатли одам эди. Лекин шу гал хафа бўлди. Икки гектарча ерни обод қиламан, база қураман, деб икки йил ишлади. Шу йиллар давомида ҳеч ким унинг мутахассислигини сўрамади. Ва ош пишган куни, баковул топилиб қолганига куюнди. Афсусланди. Қўл силтади. Қадр устидаги йиғи қабр устидаги йиғиданда ёмонроқ кечишини ўшанда сезди. Бир йил бекор юрди. Қўли ишга бормади. Турсунали Рўзматов деган таниши бор эди. Рўбарў келди. «Ҳа, Мамат енгилдингми? Қўл кўтардингми?» деди.

— Нима қилай...?

— Ишла. Масалан, цех оч. Юмшоқ мебель цехи...

— Қураман-у, яна сойибдарак чиқса...

— Қўрқоқсан.

Ана шу гап ботди, Маматқулга. Уйқуси ўчди. Ороми йўқолди. Безовталана бошлади. Таклиф билан катта идорага кирди. Катта идоранинг раҳбари Эшболта Шерматов: «Цех — уйинчоқ. Фабрика қурасан. Юмшоқ мебель фабрикаси», — деди.

... Фабрикани бугун бориб кўринг! Йўлак четида дарахтлардан ҳошия тортилган. Бино деворларига дид билан безак берилган. Ҳовли тўридаги биллур ҳовузда ўтлатилган сув парисини иккита шер қўриқлаб тургандай. Ҳовуздаги балиқлар сайри кўнгилни ёзишини айтинг. Буларнинг ҳаммасини ўзлари қурганлар: давлатнинг маблағисиз, бирон ҳомийнинг ёрдамисиз.

Бир янгилик: АКД-40 деган машинани Днепропетровск деган шаҳардан олиб келдилар. Уни ўрнатиш (монтаж қилиш)га мутахассислар 111 миллион Россия рублини сўрашди. «Ўзимки бу ишни эпламасам, Маматқул отимни бошқа қўяман», — деди Жўраев. Ўрнатди ҳам. Бу машинада қаттиқ мебель учун ёғоч тайёрланади. Шундай қилиб, қаттиқ мебель ишлаб чиқарила бошланди. Иш ўрни яна 150 тага (икки бараварига) кўпайди. Ойига қўшимча бир миллион сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади. Фақат яна учта қўшимча ускунани олиб келиб ўрнатсалар, бас, иш юришиб кетади.

Яна бир янгилик.

Фабрика Сурхон дарёси ҳавзасидаги бўш ётган ердан 63 гектарини ўз тасарруфига олди. 180 минг сўм харжлаб, «балиқ ферма» барпо этди. Шу 63 гектарнинг ер юзасидаги сувини қочириш иншоотларини қурди. 40 гектарга терак экилди. Энди мебель учун ёғочни ўзлари етиштирадилар.

— Қурамиз, ёғочни кўпайтирсак, ғўзапоя чиқиндисини ишлатишни ўргансак, қоғоз ишлаб чиқариш цехинимиз, заводинимиз қурамиз, — дейди Маматқулбой!

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



*Азиз ҳамкасбимиз! Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

**Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.**

## САМИМИЙ СУҲБАТ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Ир Хек, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Меҳмонга мамлакат Президенти И. А. Каримов бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичи мазмун-моҳияти, партиямиз ташкилотларининг ундаги иштироки, республика Олий Мажлиси IV сессияси якунлари, ХДП депутатлар фракциясининг фаолияти, Марказий Кенгашнинг яқинда бўлиб ўтган XV пленуми якунлари ҳақида Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов сўзлаб берди. Элчи қабул учун миннатдорчилик билдириб, Шимолий Кореядаги ҳозирги аҳвол ва мамлакатининг Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантиришнинг аҳамияти тўғрисида гапирди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиблари — Ҳ. Авезов ва И. Кочмарик ҳозир бўлдилар.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот маркази.**

## ЖИДДИЙ ТАҲЛИЛ, АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Куни кеча «Ўзбекистон овози» газетаси таҳрир ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни газета бош муҳаррири Азим Суюн олиб борди. Йиғилишнинг асосий мавзуи — Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессиялари, Олий Мажлис IУ сессияси ҳамда 1995 йил 25 декабрда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишдаги олға сурилган вазифалар, хусусан, нутқларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир билдирилган камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланди. Таҳрир ҳайъати аъзолари — Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош директори Ислом Шоғуломов, шунингдек, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири Барот Бойқобилов ва бошқалар газета ходимлари олдида турган масъулиятли вазифалар ҳақида сўзладилар. «Ўзбекистон овози» газетаси саҳифаларида мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар жараёнини ёритиш, нашрнинг ўз қиёфасини яратишга оид амалий таклифлар баён этилди.

### • Иқтисодиёт олами • Иқтисодиёт олами •

## ЎЗИМИЗНИНГ БЎРСИЛДОҚ НОН

**«Бухоросут» ҳиссадорлик жамияти ишчилари ўзларининг нон цехларини ишга туширишди. Ҳар куни 450-500 дона иссиққина бўлка нон тайёрланаётганидан одамлар мамнун бўлишяпти. Келажакда цехни янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.**

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЭҲТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

**Чиноз пахта тозалаш заводи жамоаси нафақат хом ашёни қайта ишлаш, балки кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланмоқда. Хўжалик қоплари, фартуклар, пайпоқлар ва хотин-қизлар колготкалари ана шулар жумласидандир. Кичик корхоналар кўпайган сайин янги иш ўринлари сони ортиб бормоқда. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, пайпоқ ва колготка ишлаб чиқариш цехида ҳадемай иш икки сменада ташкил қилинади.**

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ё, тавба!*

## КИМГА ФОЙДА, КИМГА?..

Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг Собир Раҳимов туманининг 7-тиш даволаш шифохонаси ҳузурида масъулияти чекланган «Дилшод-Дента» хусусий корхонасини ташкил этдик.

Олти ой ичида туманда биринчилар қатори металл қуйиш печларини олиб келиб, кичик цехни ишга туширдик. Шу муддат ичида кексалар, уруш ногиронлари, нафақахўрлар ва кам даромадли оилаларга 25 минг сўмлик бепул хизмат кўрсатилди. Ишчиларимиз 31 нафарга етди. Бундан ташқари, корхонада рентген, даволаш, жарроҳлик, тиш қуйиш бўлимлари ҳам ишлаб турибди.

Лекин... Афсуски, мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилганлигига қарамасдан Собир Раҳимов тумани соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари, қолаверса, 7-стоматология шифохонаси бош врачи вазифасини бажарувчи Қуролбек Жумағалиев бизлар ишлаб турган хоналарни бўшатиб қўйишимизни талаб қилишяпти. Биз ярим йилдан бери улардан 253 квадрат метр жойни ижарага ё сотиб олиш учун рухсат беришларини сўраймиз. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва маҳаллий ҳокимият идораларига ҳам бир неча бор мурожаат этдик. Ҳамон бу масала ечилмаяпти. Туман ҳокимлиги раҳбарлари «бир-иккита хонани шу ердан олинглар, қолганини бошқа жойдан берамиз» дейишди. Ҳозир шундоқ ҳам биз покловчи хоналар етишмаслиги туфайли бошқа муассасалар билан шартнома тузиб, асбоб-ускуналаримизни тозалатиб турибмиз. Ҳолбуки, поклаш бўлимининг ўзи учун ҳам камида бешта хона керак. Бу масаланинг бир томони.

Энди кишини ҳам ҳайратга, ҳам таажжубга соладиган бошқа бир гапни эшитинг. Биз кўп йиллардан бери фаолият кўрсатаётган жойни 7-тиш даволаш шифохонаси ҳузурида давлат томонидан (!) очилган, айни пайтда эса 9-шифохонада ишлаётган ортопедия бўлимига беришмоқчи. Энг қизиғи, илгари хусусийлаштирилган бу бўлимни нега яна қайтадан очиш зарурати туғилди? Устига устак яна келиб-келиб хусусийлаштирилган ерни уларга бериш... Бу қайси қоидага сиғади? Бундан кимга фойда-ю, кимга...

**Назифа ИЛЁСОВА,**
**масъулияти чекланган «Дилшод-Дента» корхонаси раҳбари.**

*Диққат, танлов:*

## СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 660 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ



Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятининг ушбу рўзнома саҳифаларида машҳур давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, кичик ҳажмдаги энг яхши илмий-оммабоп, бадиий ва публицистик асарлар — мақола, очерк, репортаж, мусоҳаба, ҳикоя, шеър, достонлар учун танлов ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқуллади.

Танловда, таниқли адиблар, олимлар, журналистлар билан бир қаторда, ёш қаламкашлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Қарорга мувофиқ, мазкур газетада соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида, 1995 йилнинг ноябридан бошлаб эълон қилинган асарлар ҳам танловга қўйилади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги совринлар таъсис этилди:

***Биринчи мукофот — битта, 5000 сўм.***

***Иккинчи мукофот — битта, 3000 сўм.***

***Учинчи мукофот — битта, 1500 сўм.***

***Рағбатлантирувчи мукофот — иккита, ҳар бири 500 сўмдан.***

Танлов Амир Темур юбилейи кунларида якунланади.

***Танловга марҳамат!***

*Спорт*

## ТОҒЛАРАРО ТАРАЛГАЙ МАДҲИЯМИЗ

### Эртага Қишки Осиё ўйинлари байроғи кўтарилади

'96 HARBIN

Илгари бундай нуфузли мусобақада иштирок этиш орзу ҳавас эди. Боиси, серқуёш Ўзбекистонда спортнинг қишки турлари бўйича маҳорат оширган ёшлар топилармиди, деган маънода қараш бўларди. Шукрлар бўлсинким, истиқлол самараси ўлароқ спортнинг қишки турлари бўйича ҳам имкониятларимиз етарли экани юзага чиқмоқда. Фристайл бўйича жаҳон чемпиони ва кубоги соҳибаси Лина Чирязованинг кўрсатган маҳоратлари юртимиз довругини оширганини мухлислар мамнуният билан эсга оладилар.

Мана яна бир йирик воқеанинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Спортчиларимиз биринчи марта нуфузли мусобақа — Қишки Осиё ўйинларида мустақил жамоа бўлиб қатнашиш учун сафарга йўл олишди. 10 нафар спортчининг эртага Қишки Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросимида мовий-яшил байроғимизни тенглар ичида тенг бўлиб, баланд кўтариб ўтишлари юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилаётганидан нишонадир.

**Баҳодир Маҳситов — Давлат спорт қўмитаси раиси:** «Осиё ўйинларида гарчанд ёшлар спортнинг 8 тури бўйича ўзаро баҳслашсаларда, биз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда тоғ-чанғи спорти, фристайл ва фигурали учиш бўйича мукофотли ўринларни эгаллаб, давлатимиз байроғи баланд кўтарилишига, мадҳиямиз садолари таралишига астойдил ҳаракат қиламиз».

**Лина Чирязова — жаҳон чемпиони:** «Кейинги икки ой мобайнида мен халқаро мусобақаларда иштирок этиб, жаҳон кубоги учун курашаётганлар сафида етакчилардан бўлишга ҳаракат қилдим. Эндиги мақсадим Харбин шаҳрида бошланадиган қизғин баҳсда она юртим шарафини астойдил ҳимоя қилиб, ёруғ юз билан қайтиш».

Осиё ўйинларида Л. Чирязовадан ташқари фигурали учиш устаси Т. Малинина, тоғ-чанғиси бўйича С. Бринер, А. Еникеев, В. Юнусов, К. Урумбоев, Д. Ковалёв, А. Ткаченко, Е. Александрова, Э. Урумбоева каби ёшлар бор. Мусобақада эса 15 мамлакатдан мингдан зиёд спортчи иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Қорлар ўлкаси ҳисобланган Харбин шаҳри ва тоғли Ябули қишлоғида мусобақалар 11 февралга қадар давом этади. Муросасиз баҳсларда вакилларимизга омад тилаймиз!

**Ҳайдар НОСИРОВ.**

